

## Бақара сураси, 113-оят

08:25 / 10.11.2017 4722

**Яҳудийлар: «Насоролар ҳеч нарсада эмаслар», - дедилар.**  
**Насоролар ҳам: «Яҳудийлар ҳеч нарсада эмаслар», - дедилар.**  
**Ваҳоланки, улар китоб тиловат қилурлар. Худди шу каби, билмайдиган кимсалар ҳам уларнинг гапига ўхшаш гап айтган эдилар. Бас, улар ихтилоф қилиб юрган нарса ҳақида қиёмат куни ораларида Аллоҳ ҳукм қиладир. Бақара 113.**

Кофирлар мусулмонларга нисбатан қилган турли-туман даъволаридан ташқари, ўзаро бир-бирларига нисбатан ҳам даъволар қилар эдилар. Жумладан, оятда келганидек,

**«Яҳудийлар: «Насоролар ҳеч нарсада эмаслар», - дедилар».**

Яъни яҳудийлар: «Насронийлар ҳеч нарсага арзимайдилар, улар эътиқод қўйиб амал қилаётган нарсалари ҳеч нарса эмас», - деб уларни камситишса, ўз навбатида

**«Насоролар ҳам: «Яҳудийлар ҳеч нарсада эмаслар», - дедилар».**

Яъни насронийлар ҳам яҳудийларга нисбатан худди шундай муносабатда бўлар эдилар.

**«Ваҳоланки, улар китоб тиловат қилурлар».**

Уларнинг ҳар иккиси ҳам аҳли китоб саналадилар: яҳудийлар Тавротни, насронийлар Инжилни ўқийдилар.

Самовий китоб эгаси бўлмаган халқлар тўғрисида оятда:

**«Худди шу каби, билмайдиган кимсалар ҳам уларнинг гапига ўхшаш гап айтган эдилар», - дейилмоқда.**

Яъни улар илоҳий таълимотларни «билмайдиган кимсалар» деб аталяпти. Аммо улар ҳам яҳудий ва насронийларнинг гапларига ўхшаш гапларни айтадилар, яъни, мушриклар яҳудийлар ва насоролар ҳақида, булар, иккаласи ҳам ҳеч нарсага арзимайди, дейдилар. Албатта, иш уларнинг гапига қараб бўлмайди.

**«Бас, улар ихтилоф қилиб юрган нарса ҳақида қиёмат куни ораларида Аллоҳ ҳукм қиладир».**

Улар тортишган масаланинг ҳақиқий ҳукмини қиёмат куни Аллоҳ таолонинг Ўзи чиқаради.

Фақат унутмаслик керакки, кофирлар ким бўлишларидан қатъи назар, бир-бирлари билан қанчалик тортишмасинлар, мусулмонларга қарши курашда бир бўлиб оладилар.